Ходжаев Асаджон Азатбекович

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

ОАВлар билан ишлаш, раҳбар кадрларнинг медиа-саводхонлиги

Медиа саводхонлик — инсонларга турли медиа шаклларини ва хабарларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратишга имкон берадиган кўникмалар тўпламидир. Қайси манба ишончли, қайси манбада нотўғри хабарлар тарқалиши мумкинлигини медиа саводхонлиги юқори бўлган одам осонгина сезиши мумкин бўлади.

Давлат органлари очиқлигини таъминлаш



Ҳудудларда медиа-режалаштириш, шунингдек, матбуот котиблари фаолияти сифатини баҳолаш учун рейтинг тизими жорий этилмоқда.

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари:

- “FACEBOOK” - 6 308 400
- “INSTAGRAM” - 5 097 600
- “TWITTER” – 29 700
- “VK” – 1 339 788
- “OK” – 18 000 000
- “LINKEDIN” – 427 100
- “TELEGRAM” – 25 755 074

2016	Рўйхатдан ўтган ОАВ сони	2022	
1514	ЖАМИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ СОНИ	2095	+38%
691	ГАЗЕТА	630	-9%
309	ЖУРНАЛ	594	+92%
15	АХБОРОТНОМА-БЮЛЛЕТЕНЬ	18	+20%
-	АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ	5	
65	ТЕЛЕВИДЕНИЕ	83	+27%
35	РАДИО	32	-9%
395	ИНТЕРНЕТ НАШР	733	+85%
50+	Актив блогерлар сони	1200+	+2400%

ОАВЛАР БИЛАН ИШЛАШ

- Давлат органлари очиқлиги - **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги** қонун
- Оммавий ахборот воситалари билан **фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш**, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлашдир
- Интернет, ижтимоий тармоқ ва мобил мессенжерлардаги ахборот манбалари сони **2019 йилда 559 та** бўлган бўлса, **2020 йилда 1 487 тага, 2022 йил январь ойи ҳолатига 3064** тага етди.
- Туман ҳокими ўринбосарлари **ижтимоий тармоқ ва телеграм каналларида саҳифаларини юритиш**, актуал маълумотларни бериб бориш;
- **Веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда**, мобил мессенжерлардаги саҳифаларида **ҳар куни камида бир марта** жиддий, эътиборга арзийдиган маълумот жойлаштириш
- Ҳар чорак якунлари бўйича **очиқ сессияларни** оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказиш;
- Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган танқидий материалларга **24 соат ичида муносабат билдирилиши лозим.**
- Агентлик ҳокимликлар билан **чорак медиа-режалар ижросини таъминлаш** (интервью, пресс-тур, брифинг, давра суҳбати, очиқ мажлис, раҳбар билан бир кун, очиқ мулокот)
- Мазкур медиа-режаларда **оила ва хотин-қизлар масалалари** билан боғлиқ матбуот тадбирларини кўпайтириш

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ РАСМИЙ САҲИФАЛАРИ

Веб-саҳифа



Instagram



Telegram



Twitter

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ РАСМИЙ САҲИФАЛАРИ

Tik Tok



YouTube

Facebook



Одноклассники

Танқид



Расмий муносабат



Танқид



Расмий муносабат



Танқид



Расмий муносабат



ИНТЕРВЬЮ БЕРИШ ҚОИДАЛАРИ

- Саволларга **эркин жавоб** беринг;
- **Аниқ** сўз ва жумлалардан фойдаланинг;
- **Профессионал ибораларга** эътиборли бўлинг (кўп ишлатманг);
- Савол бошида журналист **ноўрин** ишлатган фактларга аниқлик киритинг;
- Сизни асосий масаладан **чалғитувчи** сўзларга эътибор берманг;
- Журналист сизнинг номингиздан берилишини истаётган "**иқтибос**"га ҳушёр бўлинг;
- Рақобатчиларингизни **танқид қилишдан** олдин ўйлаб кўринг;
- Журналист орқали **аудитория** билан мулоқот қилаяпсиз;
- Интервью охиригача ўзингизни **табиий** тутинг;
- Жавобингиз фақат ахборот бериш эмас, **кўпроқ таҳлилий** фикрлардан иборат бўлгани маъқул;
- Информацион теле-дастурлар учун имкон қадар **қисқа лекин мазмундор** жумлалардан фойдаланинг;
- Жавобни ёддан айтинг, **агар** бунинг имконияти бўлмаса суфлёрдан оқилона фойдаланинг;
- Замонавий адабий **тил нормалари** (ўзбек, рус, инглиз ва ҳк.)га риоя этинг;
- Аниқ "**ҳа**" ёки "**йўқ**" деган жавобдан қочинг;
- Жавоб бераётганда ўзингизни **ҳимоя қилаётгандек** тутманг;
- Бир фикрдан иккинчисига тезда ўтиб кетишга **шошилманг** (орада кичик пауза қилинг);
- Ўзингизни **назорат** қилинг;
- Мухбир билан **тортишманг**.

ИНТЕРВЬЮНИ КИМ БОШҚАРИШИ КЕРАК?

ЖУРНАЛИСТ:

- Тез-тез ва кетма-кет мураккаб саволлар бериш орқали сизни чалғитишга уринади;
- Кўринишидан оддий туюлган саволлар орқали катта мавзуларни очишга ҳаракат қилади;
- Сиз жавобни тугатган бўлсангиз ҳам у кўзингизга жим қараб туради. Унутманг: бу сиздан ортиқча маълумот олишнинг эски, айёрона йўли;
- Журналист интервью тугаганлигини билдириш учун қўлидаги блакнот ёпади, ручкани чўнтагига солади.
- **Эсда сақланг: журналист кўчага чиқиб кетгунича “ишлайди”.**

ИНТЕРВЬЮ БЕРУВЧИ:

- Суҳбат мавзуини олдиндан аниқланг;
- Сиз экспертсиз – энг муҳим фактларни фақат сиз беришингиз мумкин;
- Саволни яхшилаб тингланг, шунда жавобни ўзингизга маъқул ракурсда беришингиз осон бўлади;
- Савол доирасидан ташқарига чиқманг;
- Агар интервью тугамасдан туриб, журналист Сизни тўхтатишга ҳаракат қилса, “**илтимос, жавобимни тугатиб олай**” деганингиз маъқул.

КУТИЛМАГАН САВОЛЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

1. Сўнгги янгиликлардан бохабар бўлинг;
2. Саволларни олдиндан беришни сўранг;
3. Ҳозир бироз банд эканлигингизни тушунтиринг;
4. Кутилмаган саволга тайёргарлик кўриш учун вақт кераклигини айтинг;
5. Ўзингиз мухбирга қайтиб телефон қилишга ваъда беринг;
6. Вазиятни назоратга олинг;

ЖУРНАЛИСТНИНГ НОҚОБИЛ МУНОСОБАТИГА ЖАВОБ

1. Агрессив саволга маданиятли тарзда, эркин жавоб қайтаринг;
2. Провокацияга берилманг;
3. Айнан бир хил савол бошқа ҳамкасбларингизга ҳам берилганлигини аниқланг;
4. Берилаётган савол ўта мураккаб бўлса, сизда жавоб йўқлигини очиқ айтинг;
5. Мухбир саволидаги ноаниқликларни тўғирланг.

МОНИТОРИНГ ВА ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР

1. ОАВга (ТВ, радио, газета, сайт) берилган ҳар бир интервьюни кузатиб боринг;
2. Одатда интервью ёзилган кундан бошлаб бир-икки ҳафта давомида тадбир ҳақидаги материаллар бирин-кетин чиқиб туради;
3. Уларни бир жойга йиғиш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади;
4. Йиғилган интервьюларингиз асосида: кейинчалик турли ҳисоботлар тайёрлаш мумкин;
5. Ютуқ ва камчиликлар асосида тегишли хулосалар чиқариб, ўз устингизда янада кўпроқ ишлашингиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

WWW.AOKA.UZ
@AOKA_UZ
INFO@AIMC.UZ